



ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 112 (6. 601)

1988 йил 17 май, сешанба

Баҳоси 3 тийин

Тошкент область партия комитетининг пленуми

1988 йил 14 майда Тошкент область партия комитетининг XI пленуми бўлди. Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажаришга доир область партия комитети VII пленуми қарорлари қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот берди.

Ахборотни муҳокама қилишда Паркент район партия комитетининг биринчи секретари И. И. Салимов, Чирчиқдаги «Электромашпроект» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секре-

тари В. Г. Федулов, Ангрен шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари О. Тургунов, Олмалик кон-металлургия комбинати флотатори Л. Л. Алексеева, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажимитдинов, Янгийул пойабзал фабрикаси ишчиси М. Валиева, Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Усмонов, Оқшом район партия комитетининг биринчи секретари Г. С. Мирзаимова, «ЧарваГЭСстрой» экскаватор машинисти И. В. Мосиягин, Галаба район партия комитетининг биринчи секретари К. Х. Холимиров, «Среднакабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси

С. А. Окутин, Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Тўлаев қатнашдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Бутуниттифоқ XIX конференциясига делегатлар сайлади.

Пленум ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари П. В. Догонкин, Н. И. Попов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими И. Е. Пономарев қатнашдилар.

КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясига Тошкент область партия ташкилотидан сайланган ДЕЛЕГАТЛАР СОСТАВИ

Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Тошкент алоқа электротехника институтини ректори.

Абдураҳмонов Алишер Абдураҳмонович — «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

Абдураҳмонов Пулат Мажилович — халқ депутатлари Тошкент область Совети иккинчи комитетининг раиси.

Авазов Муноис — Пискент районидagi Охунбобоев номидаги колхоз раиси.

Одилов Владимир Тўйчиевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари.

Ақбаров Иўдош Тожиевич — Акмал Иромонов районидagi 2-автоконтинент ҳайдовчиси.

Алексеева Людмила Лаврентьевна — В. И. Ленин номидаги Олмалик кон-металлургия комбинати оператори.

Алимов Тимур Аъзамович — Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари.

Алимова Халмахан — Ўзбекистон касабаси союзулари республика Советининг раиси.

Амон Людмила Егоровна — Коммунистик районидagi «Правда» колхозининг сўт соғувчиси.

Баталин Юрий Петрович — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Давлат қурилиш комитетининг раиси.

Бельцев Георгий Владимирович — ҳарбий хизматчи.

Букурова Уроғул Соғинтоевна — Бўна районидagi «Кремль» совхозини пахтачилик бригадасининг бригадари.

Воронов Юрий Петрович — КПСС Марказий Комитети Мадагаскар бўлимининг мудири.

Гришук Владимир Гаврилович — Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари.

Гуломов Ғайрат Ғаниевич — Тошкент бирлашган от-арти 15-154 хаво кемаси командирини.

Денисов Владимир Георгиевич — генерал-лейтенант, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи.

Догонкин Петр Васильевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

Жураев Василий Николаевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Калустян Эдуард Вартанович — Ангрен шаҳридаги «Ўзбекшахтострой» трести бошқарувчиси.

Комилжонов Аҳмадjon — Оҳангарон районидagi «Галадукуш» совхоз-саннат комплекси ет-хашак тайёрлаш бригадасининг бригадари.

Каримов Эркин Тожибоевич — Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номидаги колхоз пахтачилик бригадасининг бригадари.

Комлев Леонид Николаевич — Янгиобод шахридаги 2-кон бошқармаси прохидчилик бригадари.

Мирзамонов Абдулхўроқ Банибобович — Бекобод шахридаги В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинати пулат қувуви.

Мирзидинов Қобил — Оржоникидзе районидagi Меҳнат Қизил Байроқ ордени КПСС XXV съезди номида Тошкент ГРЭСи қозон-турбина цехи қатта машинисти.

Могилянский Константин Николаевич — КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

Морозова Галина Алексеевна — Галаба районидagi «Сергели» совхоз-саннат комплекси наслчилик фермасининг оператори.

Мусаева Волида — Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозини сўт соғувчиси.

Муҳаммадjonов Зият — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрининг актёри.

Назаров Ботир Яхйинович — Ленин районидagi «Таш-сантехгазмонтаж» трести газ пайвандловчиси.

Никонов Александр Александрович — СССР Давлат агропрокат комитети раисининг ўринбосари, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ ҳўжалик фанлари академиясининг президенти.

Нишонов Рафиқ Нишонович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Нуъмонов Пулат — Ўзбекистон ССР Монтаж ва маҳсус қурилиш ишлари министри.

Орипов Абдулла — шoir, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениясининг секретари.

Отахонов Алибекjon Чўроқович — Халқлар дўстлиги ордени Низомий номида Тошкент Давлат педагогика институтининг студенти.

Попов Николай Иванович — армия генерали, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонини.

Попов Ринад Александрович — Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари.

Ражабов Раҳим — Тошкентдаги «Алгоритм» электрон-ҳисоблаш машиналари заводининг директори.

Романенко Николай Федорович — Бўстонлик районидagi «ЧарваГЭСстрой» трести комплекс бригадасининг бригадари.

Садуллаев Номоз — «Совет Ўзбекистони» газетаси агропрокат бўлимининг мудири.

Сатий Борис Федорович — Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

Сефершаев Фиррет — Чиноз районидagi «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозини пахтачилик бригадасининг бригадари.

Стефановский Геннадий Александрович — генерал-лейтенант, Совет Армияси ва СССР Ҳарбий-Денгиз Флотини Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, пропандига ва агитация бошқармасининг бошлиғи.

Тогаев Абдумалик Тогаевич — Бекобод районидagi марказий район касалхонаси бўлимининг мудири.

Таранторов Валентина Ивановна — Собир Раҳимов районидagi «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси.

Тўйчиева Маназлат — Паркент районидagi «Паркент» совхоз-заводи узумчилик бригадасининг бригадари.

Тўлебекова Гулжон Айтугановна — Оқўрғон районидagi «Ленинград» колхозини пахтачилик бригадасининг бригадари.

Хўжаева Жамила — Калинин районидagi Карл Маркс номида 34-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Хамробекова Тожи — Янгийул районидagi Калинин номидаги колхоз пахтачилик бригадасининг бригадари.

Харитонова Вера Марковна — СССР 50 йиллиги номида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг силдирловчиси.

Хлебушкина Антонина Павловна — Ўзбекистон ССР Қурилиш министриги 22-болалар уйининг директори.

Шек Арина — Чирчиқ шахридаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбекистон қийин ерийдиган ва ўтга чидамли металлургия комбинати сикмашчи.

Эргашева Валентина Васильевна — Тошкент тўқима-чилик комбинати йиғирувчиси.

Иш унуми ошмоқда

Биринчи Тошкент уй-созлик комбинатини Александр Закусовлов бригадасида ҳар йил ҳодимнинг иш унуми икки баравар ошди. Бу эса уларга ишлаб чиқариш графитидан анча ўзиш имконини беради.

Мазкур комплекс бригадаси XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун оширилган мажбурий қабул қилди. Қурилиш смена нормаси 16-20 процент ортиги билан бажариламоқда. Қурувчилар ўз

сўзлари устидан чиқадилар — биринчи квартал аҳоли кўрсаткичлари бунинг далилидир. Бу ерда пландаги 45 минг сўм ўрнига амалда 55 минг сўмдан зиёд иш бажарилган. (ЎЗАТ).

Янги почта хизмати

«Экспресс почта» хизматининг қорий этилиши ҳам шаҳарларимизга яратилган яна бир қулайлик бўлди. Икки ойдини, қўнчилик бу хизматдан самарали фойдаланиб келмоқда. Хушхўш кўчасида ташкил қилинган тез хизмат кўрсатувчи бу почтанинг афзаллик томонлари кўп.

Аҳолидан олинган почтанинг почтамтга, аэропортининг оморига топширилмасдан тўғридан тўғри самолётга жойлаштирилади. Бу почтанинг мулкчиларига адресдан шаҳарларга тез муддатда бориб етади.

Бу хизмат тури ҳозирча республикамизнинг туртта шаҳри — Нукус, Урганч, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида йўлга қўйилди.

Янги кўчаларда Жамбул шаҳри билан ҳам алоқа бoл-ланади. Келгусида эса бу хизмат турини республика-мизнинг, қолаверса, Итти-фоқимизнинг турли шаҳар-ларида қўллаш мўлжаллана-япти.

Янги хизматга тўланадиган ҳақ ҳам почталариникидан фарқ қилади. Бироқ ўзга-рини қатта эмас. «Экспресс почта» фақат аяна почтаси билан иш кўради. Шунинг

учун ҳам почтанинг афзал-лиги кўпайиб боради. Оқдиги телеграмма учун ҳам, тезкор телеграмма учун ҳам тегиш-ли таъриф бўйича ҳақ оли-нади.

Н. ФАТТОХОВ,

Тараққиёт руҳи

Тошкент кинофестивали кўнакларини пойтахтнинг байрам кўчасида бекатилади. Барча кўчалар ва майдон-ларда фестивал ширқлари, байроқлари, эмблемалари ўрнатилди. Пойтахтнинг барча санъат қўнақларини ва майдонларини бадий бе-затиш ишлари билан Ўзе-бекистон республика кино-фильмлар прокати идораси бадий устaxonаси расм-мал-лари шугулланишмоқда. Идора директори Анвар Омонович Хидоятлов мух-бирини бундай деди:

— Устaxonамиз расм-мал-лари Тошкент фестивали-нинг конкурс фильмлари назоидини этиладиган асо-сий томонга — Санъат са-ройи ва унинг олдидаги май-донларини беизатиш юзасидан тайёрларлик ишларини иш-хўсали етказишмоқда.

Санъат саройида «Кўп миллилатли совет киносанъ-ати» деб аталган махсус кўр-газмаси ташкил эти-лади. Унда Ўзбекистон, Қо-зғистон, Тожикистон, Қир-ғизистон, Туркменистон, РСФСР, Грузия, Армани-стон, Озарбайжон респу-бликаларида тайёрланган фильмлардан олинган суратлар кўйилади.

«Бутунги Совет Ўзбеки-стони кинохроника кадрла-рида» деб аталган кўрғаз-ма ҳам диққатга сазовор-дир. Пойтахтнинг Инди-лоб хабаронда ташкил этила-ди бу кўрғазма меҳмонла-рига ва томонбониларга ҳар томонлама қўлайдир.

Тошкентдаги ўн бешта ки-нотеатрда ўзбек, рус, ин-глиз, француз, испан тилла-рида плакатлар ўрнатила-ди.

Нафис совғалар

Тошкент чинни буюмлари заводидида халқаро кинофестиваль қатнашчилари учун раи-бонинг чинни буюмлари ҳозирламоқда.

Қорхона ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Фар-рух Мусаммажон бундай деди:

— Биз уч қитъа кино-санъати усталарига атай «Нафосат», «Пахта», «Тинч-лик», «Оҳу», «Сайёра», «Шарқ гули» номида чинни буюмлари ва уларнинг тер-риториясининг ҳозирлади. Кор-хонамизнинг Муҳаббат Зо-хидова ва Минавар Қодирова бошлиқ цех ва участкаларда совга буюмлари ўз вақтида ва сифатли тайёрланди. Чин-нисозлар халқаро анжуман қатнашчиларига 10 минг до-на чинни буюмлари тортиқ қилмоқдалар.

Илғорлар аҳди

ни кун сайин авж олдиримоқда. Унда Е. Феодорова бошлиқ бригада ёззолари пеш-қадимлик қилишмоқда. Илғорлар Бутун-иттифоқ XIX партия конференцияси куни-гача йиллик план-топириқларини бажаришга аҳд қилишган.

— Сифат ниймизининг асосий мезонига айлانган, — дейди бригаданинг комму-нист ишчиси М. Хушматова, — шунинг учун ҳам иш сифатига асосий эътиборни қаратмоқдамиз.

Екатерина Феодорова бригадаси комп-лекслашган коллективдир. Бригадада 28 қурувчи бўлиб уларнинг ҳар бири икки-уч касб эгасидир. О. Толлибаев, К. Ким, М. Хушматова, В. Ногорний, С. Сатторовлар ана шулар сафига кирди.

Ҳозирги кунда Тошкент чинни заводи йилга 31 миллион 500 минг сўмлик маҳ-сулот ишлаб чиқармоқда.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлари



Умрлар бўладики...

Биз журналистлар кундалик фаолиятимизда кўп киши-лар билан учрашамиз. Баъзан шундай бўладики, рўза-рангидида турган кишига бир қараганимизда ҳеч бир фа-зilatини йўқдай туюлади. Аммо у билан бафуржа ўтириб, дилдан сўхат кўрсангиз, бутун ҳаёт йилини билсангиз, ҳақиқий инсон, чинакам совет кишини эканлигини ҳис этасиз.

Антонина Павловна Хлебушкина билан бундан ўн йил-ча бурун дастлаб учраганимизда менда шундай бўлган. У оддий бир рус аёлидек туюлган. Яхши танишиб, бутун ҳа-ёт йилини билганимдан сўнг эса, унга нисбатан ҳурмат-эътиборим юз чандон ортиб кетди. Шундан бери бу она-хон билан қадрдонман. Унинг ҳузурига тез-тез бориб, ях-ши сўхатларидан баҳраманд бўлиб тураман. Антонина Павловна 46 йилдан бери директорлик қилаётган болалар уйи ҳақида ҳужжатли қисса ёздим. У «Еш гвардия» наприётда босилиб қичди. Агар биров мендан Хлебуш-кинадан нимани ўрганидиган деб сўраса, ҳеч иккиланмай, ҳақиқий инсон қандай бўлиши кераклигини ўрганидиган, деб жавоб берган бўлар эдим. Ҳа, Антонина Павловнанинг бутун ҳаёт йили, тақдирини инсон одамларга яхшилик қи-лоб яшаса, сўз билан иши бир бўлсагина чинакам бах-тиёр инсон бўлишининг аҳси нисбатидир. Бу аёл умр бў-йи одамлар қалбига яхшилик уруғини сочиб келди, ҳо-зир ҳам шундай қилапти.

Антонина Павловна 1942 йилнинг кузига Сағбондаги 22-болалар уйи директорлигини қабул қилиб олганда йи-гирма икки ёшда эди. Эри фронтда жанг қилаётганда, қў-лида бир ярим ёшли ўғли бор эди. Мана бугун у 68 ёш-да. Унинг ҳозир бир, эмас, минглаб фарзандлари, невар-лари бор.

Тошкентда Антонина Павловнадай кўп хат оладиган одам бўлмаса керак. Қачон борсанг, унинг столида ҳат-

лар, телеграммалар тахланиб ётади. Бу мактубларнинг муаллифлари бир пайтлар Байналминнал кўчасидаги ажо-йиб болалар уйида тарбия топган, ҳозир бепояё Ватани-мизнинг турли бурчақларида меҳнат қилаётган, турли миллатга мансуб бўлган кишилардир. Улар Антонина Пав-ловнани ва 22-болалар уйидаги бошқа аждоиб тарбиячи-ларини ўз оналаридай билишди, уларга тез-тез мактуб ёзиб, соғлиқ-саломатликларини суриштириб туришсини, ўз ташвиш-қувончларини баҳам кўришни инсоний бур-члари деб билишди.

Янгида 22-болалар уйида бўлганимизда ёзувчи Лоес Фи-шер-Руге юборган почтада ҳақида гапиринди. Асли аме-рикалик бўлган, ҳозир Германия Федератив Республика-сида яшайдиган бу ёзувчи аёл бундан икки йил муқаддам Совет Иттифоқидида бўлган эди. У мамлакатимиз ҳақида ки-тоб ёзиш мақсадида бир қатор шаҳарларда, иттифоқдош республикаларда бўлган эди. Лоес Фишер-Руге Тошкентда бўл-ганида 22-болалар уйини ҳам бориб кўрди. Шунда бу болалар уйининг ташкил этилиш тарихини эшитиб ҳа-жонга тушди. Қайтар чоғида болалар уйига ҳурмат-эҳти-ромни рамзи сифатида тарбияланувчиларга кутубхонача юборишга ваъда берди. У бу ваъдасини бажарди. Почта-када мактуб ҳам бор эди. Унда шундай дейилган: «Ҳа-ётда буюк мақсад билан яшаётган Антонина Хлебушкина-нинг олижаноб қалбини кашф қилганимдан бағоят мамну-ман».

Биз, америкаликлар бу аёл сингари кишилардан наму-на олишимиз керак. Самимий миннатдорчилик туйғулари билан: Лоес Фишер-Руге».

А. ЭГМАНАЗАРОВ.

СУРАТДА: Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Пав-ловна Хлебушкина.

С. Маҳмамов фотоси.



17 майдан
22 майгача

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотера-пия илмий-тадиқот инсти-тутининг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мамажов тах-рири остида.

Ўзбекистон ССР Гидроме-теорология марказининг маъ-лумотларига кўра шу ҳафта-нинг бошларида Ўзбекистон территориясининг аксарият қисмида об-ҳавонинг ўзгариб-туриши кутулади. Жала ёғиб-ўтади, момақалдиқроқ бўлади, айрим районларда шомол тез-лиги секундига 15—20 метр-гача кучайиб, тўзон кўтарил-ди. Кечаси ҳарорет 8—13 да-ражагача, кундузи 20—25 дара-жегача пасаяди. Республика-нинг шимолдаги кечаси 5—10 даража, кундузи 12—17 дара-жа иссиқ бўлади.

Хафтаннинг қолган кунлари ҳаво очик ва қуруқ бўлади. Ҳа-рорат аста-секин ўтарилиб бора-ди. Хафтаннинг ўртача ҳаро-рети норма атрофида бўлади. Н. А. Семашко номидаги ку-рортология ва физиотерапия илмий-тадиқот институтини ме-дики об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини-олиш маркази мутахассислари-нинг фикрига кўра ҳафтаннинг биринчи ярмида бутун респу-блика территориясида, шу жумладан Тошкентда об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан бе-морларга ноҳус реакция бе-риши мумкин бўлган об-ҳаво қузилиди.

Қон босими, юракнинг ише-ми хасталиғи, бош миёна қон томирлари хасталиғи, марказий ва периферик асоси системаси-нинг яллиғланиш хасталиқлари, ўпка ва бугун хасталиқлари бўлган беморларга ҳафтаннинг биринчи ярмида об-ҳаво таъ-сирининг олдини олишга қара-тилган профилактика тадбир-ларини давом эттириш тавсия этилади.

Хафтаннинг иккинчи ярмида-ги об-ҳаво салбий таъсир ўт-казмайди. Ана шу кунларда беморларга уларнинг ўзлари-га ҳос кун тартибига риоя қи-лиш, чиниқши машқларини давом эттириш ва очик ҳавода қуруқ бўлиш тавсия этилади.



Бугун Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида В. И. Ленин имзо чеккан Декретга 70 йил тўлди

Табаррук имзо

Бугунги кунда Мирзачўлнинг кўрки-жамоллини, саҳонатини таърифлашга сўз тополмаймиз. Унинг ерларида дур унб, боғларида бол йигилди. Поёнсиз эғна май-донлари-ю мафтункор боғ-роғларини обҳаёт билан таъминлайдиган иккинчи зар қокли бор: бири Гулистоннинг, иккинчиси Янгитернинг қоқ ўртасидан оқиб ўтади. Унинг шаҳарлари кўркам, қишлоқлари обод. Ана шу шаҳар ва қишлоқларни қароғон қилган иккинчи нурхонаси бор. Бири Фарҳод, иккинчиси Сирдарё. Бу оғ-яни баҳодирларни меҳр билан боғлаб турган гўзал шаҳарчага Ширин деб ном қўйишган. Сув ва нур борки, ҳаёт бор. Унинг ҳаётбахш бағрида юздан ортиқ миллион ва элат вакиллари ардоқда. Бу ватанпарварлик, қардошлиқ, интернационал жасорат рамзи. Бу мустақим ярода ва қатъийлик синови. Бу доҳийнинг табаррук имзоси шарофати.

Мирзачўлни Мирзачўлстонга айлантириш учун бошланган умумхалқ курашидан тошкентликлар ҳам четда қолмади. Ўтмишнинг эслаб қўйилди. Декретдан сўнг Тошкентда Туркистондаги суғориш ишлари бошқармаси — Иртур ташкил этилди. Бу бошқарма Мирзачўлга бир неча марта экспедиция уюштирди. Экспедициялар таркибиди оқдй ишчилардан тортиб етакчи мутахассислар-гача тошкентликлар эди. Янги ерларни ўзлаштириш, ирригация иншоотларини қуриш, суғоришни ташкил қилиш, умуман, бу ернинг табиятини ўрганиш билан боғлиқ барча ишлар Тошкентдан туриб бошқарилиди.

Ўтмишнинг йиллар охирида Шимолий Мирзачўл (ҳозирги Киров номи) канали умумхалқ қурилиши деб эълон қилинди. Республиканинг турли шаҳар ва қишлоқларидан минглаб кўнгиллилар ҳашарга отландилар. Ўша пайтда канал қуришида инженер бўлиб ишлаган Сергей Константинович Потатевнинг гувоҳлик беришича, умумхалқ қурилиш тусини олган ана шу дастлабки реконструкциялашда (бу иш урушдан кейин ҳам давом эттирилди) биргина Тошкент шаҳри ва Тошкент областидан 13 минг киши қатнашган. Кейинчалик Тошкент шаҳри аҳолиси Мирзачўлдаги жасорат соҳнасида алоҳида аҳамият касб этган Фарҳод ГЭСи қурилишига салмоқли ҳисса қўшди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети пахта эштиришни қўйғайтириш мақсадида 1956 йил 6 августда Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва суғориш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор Мирзачўлни ўзлаштириш тарихида, ленинча Декретини тўла-тўқиса амалга оширишда янги ҳал қилувчи даврни бошлаб берди. Воҳани комплекс ўзлаштириш учун ёшасига ҳужум бошланди.

... 1956 йилнинг 23 октябрий. Тошкентдаги М. Горький номи рус академик драма театрининг зали шаҳарлик ташаббускор ёшлар билан лиқ тўла. Бу ерда қалб давлати билан Мирзачўлга отланаётганларнинг биринчи гуруҳининг тантанали кузатиш маросими бўлди. Ўша бир неча юз кишилик гуруҳда 15 миллигача мансуб йигит ва қизлар бор эди. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишчилар, колхозчилар, мутахассислар ва қурувчиларга, фан ва маданият ходимларига, республиканинг барча меҳнатқашларига Мирзачўлни ўзлаштиришда фаол қатнашган даъват этувчи Мувожаати матбуотда босилиб чиққан, тошкентлик ёшлар ташаббускорлигини янги куч билан тўқилганлиги. Бу даъватга аввало комсомоллар «лаббай» деб жавоб беритди. Англи бир неча кун ичида шаҳар комсомол комитетида 1200 та ариза тушди. Мирзачўлга кўнгиллиларнинг янги-янги гуруҳларини жўнатилиб турди. Уларни 300 минг тектар ерни комплекс ўзлаштириш учун бошланган кураш тўқилиши билан боғлиқ. Биз бу маълумотларни чўлуварларнинг Янгисер шаҳрида жойлашган шон-шухрат музейидан олдик. Ўхтимон, архивлардан ҳужжатлар, оламлар хотирасида Тошкент ва тошкентликларнинг Мирзачўлни ўзлаштиришдаги иштироки тўлароқ ҳамда ёрқинроқ ифодасини топар.

Агар Тошкентнинг Мирзачўлга «Ўроқ ва Болға» иттифоқига асосланган ёрдамнинг назарда тутақ, ҳеч қандай архив ҳужжатларига ҳожат қолмайди. Бу беёмиянат ёрдам ҳар йили ҳамманинг кўз ўнгига, деярли ҳар бир шаҳарликнинг бевосита иштирокида намойи бўлмоқда. Муболағасиз айтиш мумкинки, Мирзачўл пахтасининг тақдирини учун жон қўйдирмаган, оғир пайтларда сидқидилдан қайғурмаган шаҳарлики тополмайсиз.

Бошқа соҳаларда-чи? Сирдарё ГРЭСи, Гулистон ёр-экстракция заводи, Янгисер шаҳри, Оқолтин дон маҳсулотлари комбинати қурилишида Тошкент шаҳридан келган қурувчилар фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилишгани яхши биламиз. Туркман йигити Алланур Саҳатдурдиев 1956 йилгача Тошкентда яшаб, кўпгина заҳот ва фабрикалар қурилишига ҳисса қўшди. Шаҳарнинг қоқ марказида яхшигина квартираси ҳам бор эди. Комплекслашган қурилиш бригадасига раҳбарлик қиларди. Бироқ у ўз ўринини Мирзачўлда деб билди. Комсомол йўлнамаси билан биринчилар қаторида чўлга отланди. Энди комсомол эмас, коммунист, ёш ҳам эмас, олтишда. Бироқ ўша-ўша серғайрат. Уни «Мирзачўлнинг биринчи қурувчиси» дейишади. Кўкрагини Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрли унвони беэатган. Тажрибаси ва маҳорати, Мирзачўлдаги деярли барча йирик қурилишларга муносиб ҳисса қўшганлиги учун шундай дейишади. Тошкентдан чўлга келиб, бахтини топган бундай аjoyиб тақдирли кишилар Мирзачўлда кўп.

Суғориладиган ерларни комплекс ўзлаштиришда Бутуниттифоқ лабораторияси бўлиб қолган Мирзачўл меҳнатдаги жасоратнинг голибона самарасидир. Бу жасоратга ўша табаррук имзо туртки берди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофоти лауреати.

Совет ҳокимияти тикланган дастлабки кунлардаёқ доҳиймиз В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси Россия ва Совет Шарқидagi хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини қимом қилиб, бир қатор чорат-тадбирлар қўллади. У 1920 йили Клара Цеткин билан бўлган бир суҳбатда Улуғ Октябрь социалистик революциясида аёлларнинг роли ҳақида гапириб: «Уларсиз революция ғалаба қилиши мумкин эмас эди», — деб совет аёлларига юксак баҳо берган эди.

Урта Осиё, айниқса, Ўзбекистондаги диний хурофотчилик ва шаръат қонунларининг аёлларга нисбатан қўлланган қаттиққўллик, реакциян тузум сарқитлари Улуғ Октябр социалистик революциясидан кейин ҳам давом этмоқда эди. Буларнинг ҳаммаси хотин-қизларни Урта Осиёда олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий фойдали ишларга жалб қилишга тус-қилиқ қилмоқда эди. Шунинг учун партия ва ҳукумат хотин-қизларни тўлиқ озод қилиб, ўтмиш диний сарқитларига, хурофотчилик, савод-сизликка қарши курашди.

Хотин-қизлар ҳам бу ҳаракатни қизгин қўллаб-қувватладилар. Натижада 1927 йилга келиб, Ўзбекистонда кенг доирада диний хурофотчиликка қарши ва аёлларни тўла озод қилиш учун тарихга «Хужум» номи билан кирган ҳаракат бошланди. Ўзбекистонда бошланган бу ҳаракат тинч-оқойишлик билан ўтмади, диний руҳонийлар билан синфий душмнлар хотин-қизларнинг тўла озод-ликка чиқиш ва паранжи ташлаш ҳа-

ракатига жиддий қаршиликлар кўрсатдилар. «Хужум» ҳаракати жараёнида бир неча юзлаб паранжи ташлаган илгор хотин-қизлар жаҳолатнинг қурбони бўлдилар. Фақат 1928 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 203 аёл ўлдирилган бўлса, 1929 йилнинг биринчи ярмида 169 аёл ўлдирилди. Лекин бу хил жаҳолат ва қотиллик ҳаракатлари ўзбек хотин-қизларнинг озодликка бўлган интилишларини тўхта олимади.

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

Саодат тонги

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг ижодий коллективи ана шу буюк сананинг 60 йиллигига бағишланган кўргазма яратди. Кўргазмага қўйилган расмларда бу ҳаракатнинг актив қатнашчилари Жалол Обидов, Тожиқон Шодиева, Шамсидинлар, Гойбжоновалар билан бирга жаҳолат қурбонлари бўлган аёлларнинг расмлари ва уларнинг фаолиятини кўрсатадиган турли ҳужжатлар қўйилган.

«Хужум» ҳаракатидан кейин Урта Осиё, айниқса, ўзбек хотин-қизлари ижтимоий-фойдали ишларга кенг жалб қилиниб, социалистик қурилишнинг актив иштирокчиларига айланди. Ана шу даврни акс эттиради-

ган турли фотосурат, ҳужжатлар билан бирга плакатлар ва байроқлар сақланмоқда. Бу байроқларнинг бир томонига араб ҳарфлари билан ўзбек тилида: «Яшасин, Шарқ хотин-қизларини тўла озодликка олиб борувчи Туркистон Коммунистлар фирқаси!», «Туркистон ерлик хотин-қизлар номида», деб ёзилган байроқ музейининг табаррук буюмлари фондига сақланмоқда.

1928 йили В. И. Ленин номидаги

Тошкент бирлашган Урта Осиё ҳарбий билим юртига Эски шаҳар хотин-қизлари томонидан тақдим этилган байроқнинг юз томонидан мойбўёқлар билан атлас қўйлакки занжирбанд аёлни қизил аскар занжирдан озод қилаётганлиги ниҳоятда моҳирлик билан тасвирланган. Байроқнинг пастки қисмига араб ҳарфлари билан ўзбек тилида: «Миллий қизил қўшин! Эзилган Шарқ хотин-қизларини озод қилиш учун курашинглар! Тошкент Эски шаҳар хотин-қизларидан», — деб ёзилган ёзув кўзга яққол ташланиб туради.

Бошқа бир плакатда эса: «Битсин, хотин-қизлар қулигининг ҳамма сарқитлари! Советлар Ватанининг озод-тенг ҳуқуқли инсон ва граждени бў-

лайлик», — деб ўзбек ва рус тилларида ёзилган ўз даврининг жанговар шioriини ўқиймиз.

Хотин-қизлар ижтимоий ишлаб чиқаришда зўр куч эканлиги Улуғ Ватан уруши йилларида янада ёрқин намойи бўлди.

Эраклар фашизмга қарши жанг майдонига сафарбар қилинганда, хотин-қизлар уларнинг ўрнини босиб, завод, фабрикаларда ишлаб, зўр фаолият кўрсатдилар. Совет Ўзбекистони хотин-қизлари ҳам бутун Совет мамлакатидagi хотин-қизлар сингари Улуғ Ватан урушида қозонилган буюк ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Ўзбекистонда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган аёлларнинг сони 1920 йилларга келиб 590 минг бўлса, 1970 йиллари 1 миллион 91 минг, 1980 йили 1 миллион 784 минг, 1984 йилга келиб 2 миллиондан ошиб кетди.

1985 йилга келиб Ўзбекистонда илмининг турли соҳаларида ишлаётган хотин-қизларнинг сони 13 минг 840 кишидан ошиб кетди: шунинг ичида фан докторлари 133, фан кандидатлари 3 минг 973, шу жумладан, академик, мухбир аъзолари ва профессорлар 82 нафарни ташкил қилди.

Ҳозир Ўзбекистонда 90 мингдан зиёд Қаҳрамон она истиколат қилмоқда. Улар Ватан учун, халқ учун содиқ ва соғлом бўлган ёш авлодларни тарбиялашга катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Савара ЗИЯМУҲАМЕДОВА, Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи илмий ходими.

Бувижон,

ўқиб беринг

ОНА ЕР БОЛАЛАРИ
Биз Ватан болалари,
Гулуғча долалари,
Яшайдиган бир тану жон.
Кўриб ҳайратда жаҳон.
Бизга ҳеч ким келмас бас,
Биз азамат ва кўрқмас.
Биз чапан долалари,
Она Ер болалари!
ҚУШЛАР
Қушлар, қушлар,
Қушларжон,
Қаерларга учасиз?
Бу бегубор осмонда
Нималарни қучасиз?
Ортингиздан югурсан
Сизларга етолмайман.
Чарх уриб ўтмайингиз
Қузагана, толмайман.
Қушлар, қушлар,
Қушларжон,
Баланд-баланд учасиз,
Бегубор осмонда
Нималарни қучасиз?
ОНА АЛЛАСИ
Она тебратар бешик
Айтиб майин алласин.
Бешикда гўдак фарзанд
Тинглаб ҳаёт ялласин.
Дунёда тинчлик бўлса
Бахтиёр барча фарзанд.
Олам гулларга тўлса
Она-бола баҳраманд.

Лобар ТОШҚЎЗИЕВА,
248-мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.

Қизлар дафтаридан

Сўз ҳақида

«Зару зўрим йўқ», деган отам,
Сиздан менга эътиқод тортин.
Қудратим йўқ, имконим ҳам йўқ
Қақлигимга ишончдан ортин.
Тўғри сўзим сўнгги армону
Пушаймонга беҳато ўқдир.
Шундан — қалбининг қай бурчагида
Ўз-ўзинга нафратим йўқдир.
Сўзлар бўлсам, дўст ҳам душманга
Ўтган умрим — бирдек хотира.
Хатто мени ёмон қўрганлар
«Ноҳасан», деб айтолмас сира,
Қочиб қолчон — илтифотлардан
Бошларимни тутдим тошга,
Елгон сукут, ёлгон сўзлардан

Шамсиялар тутмадим бошга,
Бахтиёрман, ҳақ сўзини учун,
Курашларда синигди рангим.
Лек босмади қалбим қўзини
Нур ўтказмас лоқайдлик чанги.
Ҳар калиманг — ўзинг, ўзининг,
Гоҳ тақдирлар бир сўз билан ҳал.
Ев қотганда ботир бўлмоқдан
Ўз ўрнида ҳолислик афзал.
Қунар ювмас виждон гуноҳин.
Сўзмас, қалб мард ё номард бўлар.
Ўз ўрнида айта олмаган,
Сўзини жонда кетар дард бўлар.

Муҳтарам УЛУҒОВА.

Ҳаёт

Тонг отади, ширин қўзичоқларим,
Пирпиратиб очинлар митти қўзларини.
— Ойжон, ҳозир богча кетамиз, —
Дед жажжи қизим тутар қўзларини.
Чиройли қўйларни таллаб бирма-бир,
Тезда қийинишар, қулишиб шодон,
Қўзларда порлар, бахтли ҳаяжон,
Қадам ташлар иддам, богчаси томон.
Йиллар ўтиб борар, энди болалар,
Мақтабга қолишар, қувиб бир-бирини.
Мақтабни тутатиб аёло баҳо-ла,

Балоғатга етган қиз, бири ўспирин.
Келажак йўлида мустақил қадам,
Ташлашдаи ярода, куч-қувват билан
Барча соҳаларда ўрнат бўлишиб,
Ватан учун сафарбар бутун жону тан.
Тугалмас давомчи — бу кекса ҳаёт,
Нисонлар билмайди ҳеч бунда тиним.
Ҳаётда ишомчи — бу кураш демек,
Четда турма, иддам юр, сенга тилагим.

Маъмура ОРИФЖОНОВА.

Баҳор

Яна баҳор, аш тоғларга,
Соҳиллар қирмиз долалар.
Яна баҳор, яшил боғларга,
Таралмишдир хушбўй наволар.
Яна баҳор, яна адирда,
Жаранглайди тўғрай овози,
Кўм-кўм мовий осмон бағрида
Чиройлидир қуноқлар парвози.
Яна баҳор, ўйноқ шаршара,

Ҳайқирганча отилар пастга,
Дарахларда ажиб манзара,
Куртакларини ёзади аста,
Яна баҳор, яна хонада,
Қўшиқ қуйлар баҳор ҳақида,
Яна баҳор, яна муҳаббат,
Дилда жўшар ажиб нашида.

Саодат ЖАББОРОВА.



Жийдага осилган беланчак

Қатра

Кун қизматдан қизди. Дилдор она иссиқдан анордек қизарган юзидagi терин артиб, далаи тари этди. Ҳавлини пайкал четдаги қарн жийда «асир» этганди. Кумушсимон япроқларнинг шикир-шикир: «Кела қол, Пича дам ол. Мен билан кечган ўтмишнинг эс-татай», дегандек соясига чорлайди.

— Чайир маҳалли, Келинлик сурурини тотолмаган онанг эгат орайлади. Оёғида урушга кетган дадангнинг кирза этги. Йигитлардек сув сурса, гоҳ ниҳолларнинг чопиқ ўтоғида қуйламади. Сертавиш кунда дунёга келдинг, далаи кўрдинг. Айри шохимга илгилган беланчани тебратиб онанг алла айтди:

Уруш ўти ўчсин-ей,
Алла-ё, алла.
Фашистин гўр қучсин-ей
Алла-ё, алла.
Тинчлик қўчсин замон-ей
Алла-ё, алла.
Назаримда дунёдаги ёқимли қуйлар алпадан маъно олаёт-гандек. Уйку элтидаги сен, Онанг кўпдан қолмай, деб эгавларга шошади. Қадок қўларини ниҳоллар яғанасида-ю, қўзлари беланчада.

Почтадон элган учбурчак хатнинг мазмунидан руҳан шод: «Соғиним яхши. Ўша барвақад кетмон ўрнида энди автомат билан ишлаяман. Душманни Курск ёни бўйлаб қуваётимиз. Дилдорнинг соғини қалай! Менинг учун ўлиб қўй...»

Кўз. Шовул жийдаларим қўйишнинг тафтидан қипқизил. Шийондаги ун оши онанг ичигаги оқ бўлмасида гоҳ, Шунда жийдаларини зогора ион билан ёб, тўйиниб оларди. Сиянасида жийдам сенга сўт, белига кетардан бўлаётганидан яйраб кетардим. Қушлар қўйган жийдаларим беланчанга тушаркан, жажжи қўйларнинг билан ушлаб ташланардинг. Ох, бугунги нима десамкин!!

Етиб келган қовоғи солиқ почтадон қулчадек юзини тағига хат қўйиб, низга қайтди. Даданг жангда фашистлар ўйига ўчга, ўртқолари ун Днепр соҳилига дафи этишибди. Улуғ дарё даданг ва дадангга ўхшаган жангчилар шухратини, юртига фидо меҳрини тўқиланиб, қуйлаб оқаркан.

Онанг кўзидан қўл-қўл ёш. Сенга кўркан тутаркан, пайкал нигоҳ қадайдди. Она ер меҳри, машина кузовига юк ортаётган кексалар меҳри «Қаддингн тут, мардона бўл», дед саботини чарқлайди:

Отанг яшар элда-ей,
Алла-ё, алла.
Ноқд доим тилда-ей
Алла-ё, алла.
Чирғимиз ёқарсан,
Алла-ё, алла.
Ҳаёт мағзин чақарсан
Алла-ё, алла.
«Алла»дан «эриб» ўйнаб ётсан. Онанг қалбидан тугён аданг учун аза тутишга эмас, аскарларга дармон бўлишга умарди.

— Хой, Меҳрин, лавлагн ўғирден эки. Ўзининг сел яна, — дейди. Усини ҳола унинг қизарган қўзларига бо-қиб, — тинчликми, ҳақиқириб кетмасан!

Дип қосан алам, нафратга тўлган онанг лавлагини шад билан машинага итқитарди: «Уйинг қўйгўр ёв, қўксингга синардайд теғсин», — дедди қора терга ботиб. Ҳазабдан ўзини ҳам, ҳомиласини ҳам унуттадиган. «Еҳа ютоққур ёв, единг-а». Единг қоринидагини ҳам...

Сўнг, қўшин Усини ҳола сен беланчадан олиб бағрига босди. Елкасида опчилаб шу бахтли замонга кўприк бўлоқ-ди сенга...

Қари жийданинг қучси эл-даги шикир-шикир Дилдор онанинг юрак доғини янглади. Бугун унинг бағри бут. Бир-бирдан одобли, бахтли болаларини бахтиёр онаси. Бикилдоқ Ферузаси: «Ойи, ҳеч қимингиз йўқми, а!», — деса, «сингилм ҳам сиз, укам ҳам сиз» дед юпатади. Сўнг орқасига бурилиб, кўзидан оққан қўл-қўл ёшини рўмолининг уч билан артади-да, «Жигарларимдан айирган урушнинг номи ўсини, уруш нима билимларни, дейди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

— Опажон, шомманг пил-такаларини қандай ушлап-сиз?
— Мана бундай. Қўзининг бундай тут.
— Бўлмайти-ку!
Тукувчилик, тикувчи-ликка қизалоқлар эсини та-нигандан илос қўяди. Бу-ни қандай изохлаш мумкин? Ахир одамларга қийин ти-кишни, бирдан-бири чирой-ли сўзанадлар яратиниш за-қи бошқача-да!
Бу икки қизнинг ҳам ни-яти кутлуг. Бу кутлуг ин-яга илтифил орқалигига ети-лади.

Хизмат кўрсатишдаги янгилар

Бугун Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси жойлашган бина шайинидаги гавжум иморатлардан бири бўлганига ишонинг келмайди, кишининг. Ахир яқиндагина бўёқ ҳиди анқиб турган машинасига давлат номери белгиси ва техника паспорти олгани келган ҳам, қондабузарлик учун чора кўрилишини кутаётган ҳам, ҳайдовчилик гувоҳномаси учун имтиҳон топираётган ҳам шу ерда эди. Ҳозир Глинка кўчасидаги ҳаммага маълум бинаго «адабий» келиб қолган киши бошқача манзаранинг гувоҳи бўлади.

Сабаби оддий: граждандарни қабул қилиш, уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар туфайли ГАИ биноси ҳийла «хувиллаб» қолди. Утган йилдан бошлаб йўл ҳаракати қондалари ва транспортни экспедицияга қилиш тартибларини бузганлик учун маъмурий чора кўриш ҳуқуқи район ГАИларига берилди. Яқинда яна бир янгилар бўлди. Бу районларо учёт-регистрация пунктларининг тузилганидир. Бу пунктларда техника кўриш акти тузилади, транспорт востаси ҳисобга олиниди, ҳисобдан чиқарилади, давлат номер белгилари ва техника паспорти берилади, автомобилларга янгидан ўрнатилган кузов, дивангел, шасси ва бошқа эҳтиёт қисмлар қайтадан регистрация қилинади. Худлас, бу ерда давлат ва шахсий транспорт востасининг учёт-регистрациясига оид барча ишлар бажарилади.

Факт ва шарҳ

Инвалид
шофёрларга
имтиёзлар
борми?

Хўрматли редакция! Шахсий машиналарига транспорт востасининг танқид оқшотилувчи махсус белгиларни ўрнатилган инвалид-шофёрларга имтиёзлар бор деб эшитдим. Шу тўғрисида:

М. ҚУЧҚОРОВ, хизматчи.

Редакция илтимосига биноан оқшомхонларнинг ушбу саволига СССР Ички ишлар министри Давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармаси бўлими бошдари Ю. ОСТРОУМОВ жавоб берилади:

— Ҳа, инвалид-ҳайдовчиларга айрим ҳолларда «ен белгиси» бундай ҳайдовчилар «Харакат таққиланган», «Механик транспорт востасларининг ҳаракатлангани таққиланган», «Тўхтаб турган таққиланган» каби йўл ҳаракати белгиларига ривоят этилганлиги мумкин.

Агар «Тўхтаб турган таққиланган» белгиси остига «инвалидлардан ташқари» таққиланган белгиси қўйилган бўлса, ҳайдовчи ўз машинасини ана шу белги таъсир этувчи зонада тўхташи ҳуқуқига эга.

Ахли истикомат қилидиган пунктларда инвалид-ҳайдовчилар хавфсизлик режимида фойдаланмасликлари мумкин. Аммо уларнинг йўловчилари камар таққиланган шерт.

Ғолибларни табриклаймиз

«Йўл ҳаракати қондалари» билимдонларнинг конкурси натижасига етди.

Маълумки, утган йили «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармасига қарашли давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси томонидан йўл ҳаракати қондалари конкурс ташкил этилиб, «Магистраль» саҳифаларида турли топириқлар бериб берилган эди. Уларнинг ҳаммаси шаҳарда йўл ҳаракатини янада яхши ташкил этишга қаратилган эди.

Маъмур конкурси яқунлари жюри томонидан кўриб чиқилди. Жюри конкурси ғолибларини эълон қилди. Оқшомхонлардан Н. Аъзамхўжаев, И. Муҳамедов, П. Аҳмедов, И. Шибоев, Г. Абдуқодиров, И. Раҳимбеков, Ш. Мирзакаримов, М. Асадуллаев, Р. Авазов ва Ҳамдамовларнинг оиласи конкурс ғолиби деб топилди.

Виз «Йўл ҳаракати қондалари» билимдонлари — конкурс ғолибларини табриклаймиз ҳамда уларни 1988 йил 21 май соат 12.00 га редакцияга тақдир этишга. Ғолибларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

Киров район ГАИси ҳузурида ташкил этилган пункт Куйбишев, Собир Раҳимов ва Киров районларига, Файзободдаги ГАИ автодроми биносига жойлашган пункт Ленин, Ҳамза ва Сергели районларига, ГАИнинг «Эркин» постидида пункт Чилонзор, Акмал Икромов, Фрунзе ва Октябрь районларига хизмат кўрсатади.

Бу йили янгилардан яна бири — ГАИ биносида назарий имтиҳон олишнинг ва район ГАИларида шахсий транспорт востасларини техника кўригидан ўтказишнинг тўхтатилганидир. Олдин бўлажак ҳайдовчилар ёки билими синалган ҳайдовчилар назарий имтиҳонни ГАИ биносида, амалий ҳайдов бўйича имтиҳонни эса автодромада топширишарди. Ҳозир иккала синов ҳам автодромада ўтказилмоқда. Бунинг қанчалик қулай эканлигини изохлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак. Энди техника кўригидан масаласига келсан, ўзгарти асосан шахсий транспорт востасларига тегишли. Барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган диагностика станцияси ишга тушгандан сўнг техника кўригини сифатли ўтказиш имконияти туғилди. Станцияда машинага тўғри техник диагноз қўйилади. Бу биринчи навбатда автомобиль эгаси учун фойдалди. Техника кўригидан ўтиш учун эса ҳайдовчи атиги 10—15 минут вақт сарфлайди, ҳолос.

Ғ. БОЛТАБОВЕВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг матбуот гуруҳиса катта инспектори, милиция капитани.

Йўллар қаровсиз қолмасин

Коллективимиз ходимлари ҳайдовчилар билан темир йўллар кескишган кўчалардан ўтишда эҳтиёткорлик чораларини кўриш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мунтазам суҳбатлар уюштиромоқдалар. Бу ўз самарасини берипти. Кейинги икки йил мобайнида шахримизнинг темир йўллар кескишган кўчаларида кўнгилсиз йўл транспорт ҳодисалари сони кескин камайдди. Биргина утган йилининг ўзига Тошкентдаги мавжуд автомобиль корхоналари ва ҳўжамчиларида бу мавзуда 370 дан зиёд суҳбат ва лекциялар ўтказилди.

Бундан ташқари темир йўллар кескишган шаҳар кўчалари бўйлаб мунтазам рейдлар ўтказилиб борилади. Ҳаракат хавфсизлигига риоя қилинмаётган ҳайдовчилар жаъоолимоқда.

Ўтказилган профилактика ишлари йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олмақда. Утган йили фақат бир мартагина темир йўл транспорт ҳодисаси қайд этилди. У ҳам бўлса Фрунзе районидида Грузовая кўчасида «Москвич — 412» автомашинасининг ҳайдовчиси айби билан содир бўлди. Қолаверса, бунга Тошкент тўғрисидаги комбинатига қарашли темир йўл бирлашмасининг (директори П. Вятлов) темир йўллар кескишган кўчаларидаги йўл белгиларининг яхши кўринамаслиги сабаб бўлди. Шу бирлашмага қарашли яна тўртта темир йўл кескишган кўчалар бор. Улардаги йўл белгилари ҳам аяқчи аҳволда.

Ҳали шахримиздаги темир йўллар билан кескишган йўлларнинг аҳоли шу кун талабларига жавоб берилади. Уларни доимо назорат қилиб бориш, шидан чиққан жойларини тузатиш, йўл белгиларини мунтазам тўғрилаб бориш керак. Кўчалар билан кескишган темир йўл излари ҳеч қачон қаровсиз қолмаслиги лозим. Ана шундангина биз темир йўл транспорт ҳодисаларининг олдини янада олган бўламиз.

Р. КНЯЗХОНОВ, Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси йўл назорати бўлими ходими.

Жавобларингизни текширинг

Газетанинг шу йил 15 март сонидида берилган 2-топириққа жавоблар олинди. Топириқда берилган «Ҳайли енгил автомобилларини йўлка ёнидаги тўхтаб турган жойига қўйиш усулини кўрсатади» — деган саволга У. Юсупов, У. Абдуллаев, Р. Ишматов, М. Асадуллаев, З. Раҳимбеков, З. Мирзайдов, З. Намозов, С. Жалилова, В. Мирзасомилов, Н. Туркманов, М. Толипов, Р. Хўжаев, Ҳамдамовлар оиласи, Н. Раҳимбеков, Т. Аминов, Ш. Аюпова, Р. Нурматов, Аҳмаджоновлар оиласи, И. Шибоев, И. Қўтибдиқов, А. Шарифхўжаев, А. Фармонов, М. Аҳмадбекова, К. Ғофуров, Назировлар оиласи, Я. Амуршоев, Н. Маҳаматмуротов, М. Салимов, Р. Ахромов, А. Исроиллов ва Ш. Қодировлар тўғри жавоб беришган.

Газетанинг 29 январь сонидида босилган 1-топириққа ҳам ҳамон жавоблар келмоқда. Топириқда берилган «Ким йўл бериш шарт?» деган саволга С. Нориев, С. Мухаммадиев, У. Раҳматуллаев, У. Т. Абдуллаевлар тўғри жавоб беришган. Оқшомхонлардан М. Маҳмудова 2-топириқни, Ғ. Пардаев, Н. Туркманов, Х. Кенжаев, И. Ғаниев, Д. Исмоилов ва М. Саттибековлар оиласи 1-топириқни тўғри ечишмаган.

Қуйида эса еттиборингизга навбатдаги 3-топириқни ҳавола этмоқдамиз.

3. Қайси жавобда қаранат рухсат этилган барча транспортлар кўрсатилган?



1. Трамвай ва мотоцикл.
2. Автомобиллар ва мотоцикл.
3. Барча транспорт востаслари.

ГАИ диққатиға

Светофор керак

Мен СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайман. Корхонамиз катта, кўп минг кишини. Олдимизда катта — «Чирчиқ» — Тошкент магистраль йўли ўтади. Одам ҳам, транспорт ҳам гавжум. Ачинарлиси шунки, корхонамиз атрофида йўл ҳаракати қондаларига мунтазам риоя қилинмайди. Бу, албатта, одамларнинг ўзига ва шу ерда турувчи ГАИ ходимларига боғлиқ. Айниқса, шанба ва яшанба кунлари бу атрофга ёйма кўча дўнонлар келади. Ишчилар ишдан чиқиб, уларнинг ёйма

Ш. ХУРАМОВ, Тошкент политехника институтининг кенчи бўлим студенти, бирлашма ишчиси.

Редактор
Т. М. ҚОЗҚБОВЕВ.

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ
1988-1989 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

26-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-10 синфларни тамомлаган ўқувчиларни қуйидаги касбларни эгаллаш учун

— заргарлик касбига. Ўқиш муддати — 1,5-3 йил;
— чини бўйларига гул солувчи расом, чини буюмларни қопилловчи, чини буюмларни элтувчи, санат асбоб-ускуналари бўйича слесарь касбларига. Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади. 8-синф маълумотиға эга бўлган ўқувчилар учун таълим муддати — 3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал оқат, кундалик уст-баш ва коржма билан таъминланадилар.

10-синф маълумотиға эга бўлган ўқувчилар учун таълим муддати — заргарларга 1,5 йил, бошқа касбдагиларга — 1 йил. Уларга ойига 30 сўм стипендия туланади. Ўқишга қабул қилинган барча ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти туланади.

Билим юртини тамомлаганларга тулиқ ўрта маълумот ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом берилади. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртлари ва техникумларга имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Билим юртидаги таълим даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақидаги ҳужжат, ота-онанинг иш жойидан ва яшаш жойидан справклар, медицина справкиси (286-форма), характеристика, 6 донна фотосурат (3х4см ҳажмида), таржиман ҳол. МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700002, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй. (100, 59, 76, 168-автотелларнинг «Қўштут» бекати). Телефонлар: 44-30-07, 44-15-88.

8-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-синфин битирганлар учун ўқиш муддати — 3 йил.
3 йил муддат билан ўқишга қабул қилинганлар оқат ва уст кийим билан таъминланадилар. Ўқиш тамомланганча, уларга йўта маълумот ва касб эгаллаб чиққанлик ҳақида диплом берилади.

10-синфин битирганлар учун ўқиш муддати — 8 ой.

Улар ойига 65 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти оладилар. Билим юртидаги таълим даври умумий меҳнат ва касба союз стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти авиасозлик санати учун қуйидаги ихтисослар бўйича қўри малакали ишчилар тайёрлайди:

учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг соловчиси, механик-йиғув ишлари слесари, санат асбоб-ускуналари ремонт бўйича слесарь, кент профидаги станокчи, токар, фрезерчи.

Шунингдек, 10-синф маълумотиға эга бўлган ва Совет Армияси сафларига хизмат бурчини ўтаб қайтган йшлар фрезерлик касби бўйича ўқишга қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртида спорт секциялари, бадий ҳаваскорлик, авиамодельчилик, радио, фото тўғараклари ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртларининг қўнгузиги бўлимларига ва учувчилик авиация билим юртларига ўқишга кириш учун йўлланма берилади. Билим юртини тамомлаганлар Тошкент политехника институтининг самолётсозлик ва механика факультетлари кенчи ва сиртки бўлимларига, шунингдек, бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин. Билим юртини тамомлаган ўқувчилар В. П. Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойидан, ота-онанинг ишхонасидан справклар, медицина справкиси, мактабдан характеристика, 6 донна фотосурат (3х4 ва 4х5 см ҳажмида).

Билим юрти адреси: 701128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Усмон Юсупов кўчаси, Авиационный проезд, 10-уй (10, 27, 23-трамвайлар; 1, 4, 10, 14-троллейбуслар, 44, 48, 97-автотелларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси) бекати). Телефон: 41-75-54.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. Қориевнинг номида ўзбек давлат концерт-фирмалари бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

20, 21 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, Татаристон АССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати

ОТАЖОН ХУДОЙШУКУРОВ ИШИРОКИДА

Бутуниттифоқ бадий коллективлар конкурснинг лауреати, ўзбек давлат ашуда ва рақс

«ШОДЛИК» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

ХЎРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАРИ!

1988-89 йил ИСТИҲИ МАВСУМИГА ТАБИРАТЛИК КЎРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

«Главташкентстрой»га қарашли «Ташинжстрой» трестининг 1-ва 10-кўришги бошқармалари иситиш ва иссиқ сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадларида Тошкент шаҳрида иссиқлик тармоқларини ётқизади ва реконструкция қилади.

Икки сменада иш олиб бориш мақсадида қуйидаги районларга

ИССИҚ СУВ БЕРИШ ВАКТИНЧА ТЎХТАТИЛАДИ.

— 18 майдан бошлаб бир ой муддатга — ТошМИ, Қорақалмиш, Калинин номи масивларида.

Иситиш тармоқларини бу ишларга ҳозирлаш учун 18 май соат 10 дан 22.00 гача ТошМИ ва ТошМИ масивига иссиқ сув бериш

ТЎХТАТИЛАДИ.

«Таштепелосеть» корхонаси. (Телефон: 33-32-32).

«Тошкент» савдо фирмаси магазинларида

КЎЙЛАК, САРАФАН, ХАЛАТ, ТРИКОТАЖ, ГАЗЛАМАЛАРНИ

ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.

Сизга Республика кийим ва трикотаж моделларининг ўйлар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқон ва Наманган тикувчилик фабрикалари, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бир-

лашмаси ўз маҳсулотларини тавсия этадилар. Ўзи чеварлик қилишни истовчилар учун магазинларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган шойи ва ип-газламалар бор. Уларнинг гуллари сўлим баҳор бўёқлари билан уйғунлашиб кетади. Силарга ва бошқа гулли газламалар ҳам мавжуд.

Шу магазинларнинг ўзидан сўмақлар, баққоллик ва атторлик молларини ҳам харид қилишингиз мумкин.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

8-магазин — «Олмазор» масив, 6 ва 7-уйлар (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси);

12-магазин — Чилонзор 5-квартал, 5-уй (метронинг «Ҳамза» станцияси);

16-магазин — Луначарский шоссе, 123-уй;

1-«Ешлар» магазини — Ғ. Ғулом кўчаси, 23-квартал, 41-уй.

ТОШКЕНТ САВДО ФИРМАСИ



Гилям хонадон кўрки, унга мода таъсир этмайди!

Чиндан ҳам азалдан хонадон кўрки ҳисобланади, улар ўзига хос пинамлик яратди. Гилямлар пол ва деворларни иссиқ тутди, товуш ўтказмайди.

Гилям харид қилар экансиз, энг аввало, унинг қайси хонага тушалишини ҳисобга олиш лозим. Ошхонага катта, бўёқлари ёрқин, гулдор гилям танланг. Унинг мўйи узун ва паҳмоқ бўлмаслиги керак. Ўтоқхонага кўзни тоқтирмайдиган яшил ранг гилямлар мос. Бундай гилямларни қаравот

орқасидида деворга осган маъқул. Болалар хонасига тушаладиган гилям ёрқин бўёқли, гулдор бўлиши керак. Унинг мўйи иссиқроқ бўлгани яхши. Бундай гилямларни тозалаш осонроқ бўлади.

«Ташхозторг» магазинларининг ва геометрик шаклларнинг тасвири туширилган, машинада тузилган ХИВА ГИЛАМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

28-магазин — Оқтепа майдони;

2-магазин — Биринчи Май бозори;

6-магазин — Энгельс кўчаси, 9-уй;

10-магазин — Фарҳод кўчаси, 12-квартал, 1-уй (ярмарканинг қаршисида);

14-магазин — 4-қўйлиқ масив, 21-уй;

17-магазин — Сергели бозори;

18-мағзани — Сельмаш кўчаси, 1-уй;

19-магазин — Уста Ширин кўчаси, 33-уй;

20-магазин — ТТЗ масив, 2-уй;

25-магазин — Навоий кўчаси, 24-уй;

33-магазин — Богдан Хмельницкий кўчаси, 1-уй;

34-магазин — М. Ҳасанова кўчаси, 33-а уй;

36-магазин — Юнусов масив, 12-квартал; Аҳмад Дониш кўчаси, «Мебеллар уйи».

«ТАШХОЗТОРГ».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИИ СТАДИОНИДА

18 МАЙ СОАТ 19.00 ДА СССР 51-ЧЕМПИОНАТИ УЧУН

1-лиганинг «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ТАВРИЯ» (Симферополь) командалари ўртасида

Футбол

Танаффус вақтида спортбуюм лотереяси ўйналади. Лотерея билетларининг серия номерлари 018001 дан 020000 гача.

«Заря» фирмали магазини чорлайди

БУ ЕРДА 18 МАЙ СОАТ 17.00 ДА

Тошкентдаги «КИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг йўналишувчи модлар коллекцияси намоиши ўтказилади.

Сотувга кенг ассортиментдаги астарли ва астарсиз пальтолар чиқарилади.

«ЗАРЯ» фирмали магазинининг адресини эслатамиз — Космонавтлар проспекти, 41-уй. Метронинг «Ойбек» станцияси.